

НАЙКЛ СТИМУЛЯТОРИНИНГ ТОЛА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши
агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ)*

Давлетова Зухра Икромбой қизи илмий ходим.

Аннотация: Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида ўғитли ва ўғитсиз шароитида гумин кислотаси ва макроэлементлар асосида яратилган Найкл стимулятори чигитга экиш олдидан ва ғўзани вегетация даврида турли меъёрларда қўлланилганда ғўзанинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари, физиологик жараёнлари тезлашгани аниқланиб, тола узунлиги 0,02 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 1,0-1,4%, солиштирама узилиш кучи 0,2-1,0 гк/текс ортган;

Калит сўзлар: Найкл, Узгуми, стимулятор, минерал ўғит, тола, микронеёр, пахта, ҳосил.

Стимуляторлар ўсимликда содир бўладиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга комплекс таъсир кўрсатиши, фенологик фазаларнинг бошланишини тезлаштириши ва вегетация даврини қисқартириши, ҳосил ва унинг сифатини ошириши аниқланган.

Ўзбекистон шароитида чигитни эртаги, соғлом ва бир текис ундириб олиш, ниҳолларни касалликлардан ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, жадал ўсиши ва ривожланишини таъминлаш, эртаги, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларнинг аҳамияти юқоридир. Шунга қарамасдан турли тупроқ иқлим шароитларда ва ғўза навларида стимуляторларни мақбул қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Н.Н.Ким, В.А.Triplett [3] ўсимликдаги фитогормонлар ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳужайраларнинг чўзилиши, кенгайиши ва бўлинишида тўғридан-тўғри иштирок этади. Эндоген гормонлар кўсаклар ва толалардаги ҳужайраларга таъсир этса, экзоген гормонлар пахта толасидаги ҳужайраларнинг мақбул ривожланишини таъминлаб беради.

Ш.Абдуалимов, Ш.Каримов [1] томонидан ўтказилган тажрибада Мивал-Агро ва Фитовак стимуляторлари ғўза вегетацияси даврида қўлланилганда вилт касаллигига турлича таъсир кўрсатган ва назорат вариантыга нисбатан вилт билан зарарланиши 1,8-5,1 фоизга камайган, ҳамда толанинг технологик сифат кўрсаткичлари тола чиқиши, узилиш кучи, солиштирама узилиш узунлиги, 1000 дона чигит вазни ва бошқалар яхшиланган.

Ф.Абдуллаев [2] томонидан олиб борган изланишларда, Гумимакс стимулятори билан чигитга 0,6-1,0 л/т ва ғўзанинг шоналаш-гуллаш давларида

0,3-0,3 л/га меъёрларда ишлов берилганда, куруқ массаси ортган ҳолда пахта вазни 3,8-10,1 г кўпроқ бўлгани ҳамда тола сифатига ижобий таъсир этиб, тола чиқиши 0,5-1,5 фоиз, 1000 дона чигит вазни 0,5-8,0 г, узилиш кучи 0,2-0,5 гк, нисбий узилиш кучи 0,6-1,3 гк/текс яхшилангани аниқланган.

Ѓўзадан юқори ҳосил етиштириш билан бир қаторда тола сифати жаҳон стандартлари талабларига мос бўлиши керак. Пахта толаси сифатига турли агротехник тадбирлар ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади. Масалан, ғўзани мақбул суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш, қатор ораларига ишлов бериш, зараркунанда ҳашарот ва касалликлардан ҳимоя қилиш юқори сифатли тола етиштириш имконини беради. Шунинг билан бирга Найкл стимулятори билан чигитга ва ғўза вегетацияси даврида ишлов бериш ҳам пахта толаси сифатига ижобий таъсир кўрсатган

Тажриба даласида парваришланган ғўза минерал ўғитларсиз ва минерал ўғитларни қўллаб етиштирилганлиги ҳамда Найкл стимулятори билан ишлов берилганлиги натижасида пахта толаси кўрсаткичлари турлича бўлган бўлсада, умумий ҳолатда барча вариантларда ҳам юқори сифатли тола олишга эришилди. Масалан, тажрибанинг 2021 йилида ўғитли фонда толанинг ўртача узунлиги 1,04 дюйм бўлса, назоратда 1,01 дюйм, ўғитсиз фон назоратида 0,99 дюйм, Найкл қўлланилганда 1,00-1,06 дюйм бўлган.

Тажрибада 2022 йили толани микронейри барча вариантларда ҳам яхши бўлган. Ѓўза минерал ўғитсиз етиштирилган фон назоратида тола узунлиги 1,10 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 82,4%, солиштирма узилиш кучи 27,9 гк/текс, микронейри 4,2 бўлса, Узгуми қўлланилганда тола узунлиги 1,10 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 82,9%, солиштирма узилиш кучи 27,7 гк/текс, микронейри 4,2, Найкл стимулятори турли меъёрларда қўлланилганда тола узунлиги 1,09-1,10 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик 82,1-83,8%, солиштирма узилиш кучи 27,9-30,0 гк/текс, микронейри 3,8-4,0 ни ташкил қилган. Вариантлар бўйлаб толанинг узилишдаги узайиши 7,9-9,2%, нур қайтариш коэффиценти 80,1-82,4, сарғишлик даражаси 8,2-8,7%, ифлос аралашмалар майдони 0,1-0,3%, калта толалар индекси 5,9-6,5%, пишиб етилганлик коэффиценти 74,0-80,0 эканлиги ҳамда юқори сифатли пахта толаси етиштирилганлиги аниқланган.

Тажрибанинг минерал ўғитлар қўлланган фонда пахта толаси сифат кўрсаткичлари минерал ўғитсиз фондаги натижалардан бироз юқори бўлган ҳолда Найкл стимулятори билан ишлов берилиши янада сифатли тола етиштириш имконини берган. Бунда, назорат вариантыда тола узунлиги 1,13 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 83,0%, солиштирма узилиш кучи 29,0 гк/текс, микронейри 4,2 ни ташкил этган, Узгуми стимулятори қўлланилганда эса тола узунлиги 1,14 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик

даражаси 83,0%, солиштирма узилиш кучи 28,2 гк/текс, микронейри 4,2, Найкл стимулятори билан чигитга 3,0 л/т, шоналаш даврида 0,5 л/га, гуллаш даврида 1,5 л/га, ҳосил туғиш даврида 2,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда тола узунлиги 1,15 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 83,1%, солиштирма узилиш кучи 30,0 гк/текс, микронейри 4,4 га тенг бўлган.

Тажрибада нисбатан юқорироқ натижалар Найкл билан чигитга 4,0 л/т, шоналаш даврида 1,0 л/га, гуллаш даврида 2,0 л/га ва ҳосил туғиш даврида 3,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда кузатилиб, тола узунлиги 1,15 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси 84,4%, солиштирма узилиш кучи 29,2 гк/текс, микронейри 4,2 бўлгани аниқланган. (1 жадвал)

Тажрибанинг Найкл стимулятори чигитга 5,0 л/т, шоналаш даврида 1,5 л/га, гуллаш даврида 2,5 л/га ва ҳосил туғиш даврида 3,5 л/га қўлланган вариантида тола узунлиги 1,15 дюйм, узунлик бўйича бир хиллик даражаси